

Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитасининг  
2024-йил “ 24 ” - декабрдаги  
120-ч/2 сон буйругига  
2-илова

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий  
аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш**

**УСЛУБИЁТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Услубиёт Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати (*кейинги ўринларда — Кўмита*), тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари, (*кейинги ўринларда — Тизим ташкилотлари*) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Кўмита ва (ёки) Тизим ташкилотлари фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Кўмита ва (ёки) Тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;

коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

4. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупциявий хавф-хатар** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавкейдан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

**коррупциявий хавф-хатарлар харитаси** — Кўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** — Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

**қолдиқ хавф-хатар** — аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

**махсус бўлинма** — Қўмита ва тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш бўлимлари ва (ёки) мутахассислари, коррупцияга қарши курашиш вазифаси юклатилган ходимлар;

**ишчи гуруҳ** — коррупцияга қарши курашиш бўлими ва (ёки) мутахассиси мавжуд бўлмаган Тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

5. Қўмита томонидан коррупциявий хавф-хатарларни умумий баҳолаш ҳар йили 1-мартга қадар, Тизим ташкилотлари томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 5-февралга қадар амалга оширилади.

#### **2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш**

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш махсус бўлинма ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Қўмита ва тизим ташкилотларининг тегишли таркибий бўлинмалари махсус бўлинма (ишчи гуруҳи) билан ҳамкорликда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда иштирок этади.

7. Ишчи гуруҳи аъзолари тизим ташкилотларининг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Тизим ташкилотларининг биринчи раҳбари томонидан ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланади ҳамда унинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

8. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Қўмитанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Тизим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

9. Тизим ташкилотларидаги махсус бўлинма (ишчи гуруҳи) қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш;

Тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

### **3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби**

10. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳи) томонидан Қўмита ва тизим ташкилотларининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

11. Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

12. Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси;

ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан сотсиологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

13. Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Бошқа давлат ташкилотлари томонидан Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан сотсиологик тадқиқотлар натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

14. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳи) Қўмита ва тизим ташкилотларининг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашида қуйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

Қўмита ва тизим ташкилотлари нинг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қилмаслик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

хужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлгон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда махаллийчилик, хомийлик, уруғ-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

**15.** Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда баҳоланади:

паст

ўрта;

юкори.

**16.** Қўмита ва тизим ташкилотларининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услугибётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

#### **4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари**

**17.** Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-ҳуқуқий хужжатлар ҳамда ички идоравий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ҳамда Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан тўғри алокани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортикча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган хужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички хужжатларга ҳар қуни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

Қўмита ва тизим ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 17-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

19. Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда марказий аппаратнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

20. Тизим ташкилотларининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Бунда, тизим ташкилотларининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳалар ҳар йили 1-январга қадар Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлимига умумлаштириш учун тақдим қилинади.

21. Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан Қўмита ва тизим фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида Қўмита ва тизим ташкилотларининг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади.

22. Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан қуйидаги ҳужжатлар шакллантиради:

Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

#### **5-боб. Якуний қондалар**

23. Мазкур Услубиёт талаблари Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлимининг барча бўлинмалари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

24. Мазкур Услубиёт талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш  
қўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари  
ва вилоят бошқармаларида коррупциявий хавф-  
хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига  
I-ИЛОВА

Ташкилот фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг)

ТАВСИФИ

Т/р	Функция номланиши	Функция доирасида бажариладиган жараён	Жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (унинг Ф.И.О. ҳамда лавозими)
<b>I. Ташкилотнинг номи</b>			
<b>1.1. Ташкилотнинг таркибий бўлини</b>			
1.1.1.			

\* Ташкилот деганда Қўмита ва тизимташкилотлари тушунилади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш  
 кўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари  
 ва вилоят бошқармаларида коррупциявий хавф-  
 хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига  
 2-ИЛОВА

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича

МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юқори*	Ташкилот фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган
	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солинмаган
	Назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда бир шахс иштирок этиши
	Ташкилотнинг фаолиятини (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)
Ўрта*	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган
	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган
	Назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Ташкилотнинг фаолиятини (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этиши
	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)
Паст**	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган
	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган
	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас
	Ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши

	Коррупциявий хатти-харакат ва коррупциявий хатти-харакат содир. этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас
--	---

\*Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан Қўмита ва тизим ташкилотларининг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг юқори ёки ўрта даражада деб баҳолаши Қўмита микёсида Қўмита раҳбарияти билан, тузилма микёсида тузилма раҳбарияти билан келишган ҳолда амалга оширилади.

\*\* Қўмита ва тизим ташкилотларининг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

\*\*\* Ташкилот деганда Қўмита ва тизим ташкилотлари тушунилади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш  
 кўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва  
 вилоят бошкармаларида коррупциявий хавф-  
 хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига  
 3-ИЛОВА

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
 Ташкилот рахбари

Ф.И.О.

йил

Ташкилотнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг  
**ХАРИТАСИ**

T/p	Коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари	Қолдик коррупциявий хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)
	1. Ташкилотнинг таркибий бўлинмасининг номи:					
1.	1. Ташкилотнинг функцияси номи:					
	1. Функцияга оид муносабат номи:					
	1. Жараён номи:					
	2. Жараён номи:					
	2. Ташкилотнинг таркибий бўлинмасининг номи*					
2.	2. Ташкилотнинг функцияси номи:					
	2. Функцияга оид муносабат номи					
	1. Жараён номи					
	2. Жараён номи					

\* Ташкилот деганда Кўмита ва тизим тушунилади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш  
қўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари  
ва вилоят бошқармаларида коррупциявий хавф-  
хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига  
4-ИЛОВА

**Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш  
ДАСТУРИ**

Т/р	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
-----	--	-------------------------	--------------	---------------------

\* Ташкилот деганда Қўмита ва тизим ташкилотлари тушунилади.